

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТКУЛОВА ЯЙРА ДИЛМУРОД ҚИЗИ

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ

Тошкент – 2022

	МУНДАРИЖА	Бет
	КИРИШ.	3
	.	
I БОБ.	ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.	14
	.	
1.1	Пенсия таъминоти тизимининг назарий асослари ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ўрни.	14
	.	
1.2	Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг норматив-хукукий асослари.	26
	.	
1.3	Пенсия таъминоти тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг хориж тажрибалари ва унинг хусусиятлари.	34
	.	
	Биринчи боб бўйича хулосалар.	48
II БОБ.	ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАҲЛИЛИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАР.	50
		
2.1.	Хорижий мамлакатларда пенсия таъминоти тизими таҳлили ва асосий тенденциялари.	50
	.	
2.2.	Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизими кўрсаткичлари таҳлили.	67
	.	
2.3	Мамлакатимизда нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этишнинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялар.	81
	Иккинчи боб бўйича хулосалар.	88
	.	
III БОБ.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.	90
	.	
3.1	Пенсия таъминоти тизимини ривожлантиришнинг илғор хориж тажрибаларидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари.	90
	.	
3.2	Миллий пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш йўналишлари.	96
	.	

Учинчи боб бўйича хулосалар.	106
.	
ХУЛОСА.	109
.	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	112
.	

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пенсия тизимини ислоҳ этишга оид тадқиқотларда дунё аҳолисининг кексайиб бораётганлиги, демографик вазиятнинг кескинлашиши, ишсизлик муаммосининг авж олиши, яширин иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг кўпайиши билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. “Жаҳон банкининг берган маълумотларига кўра 1990 йилда дунё аҳолисининг деярли ярим миллиарддан ортиғини 60 ёшдан ошганлар ташкил этган бўлса, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 1,4 миллиардга етади”¹. Бундай прогноз пенсияга чиқувчиларнинг ошишидан далолат беради. Бу ўз навбатида пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш борасида халқаро миқёсда доимий равишда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Халқаро амалиётда Жаҳон банки гуруҳи, Халқаро меҳнат ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби муассасалар томонидан пенсия тизими ислохотларини амалга ошириш, таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишларини белгилаш, тизим молиявий барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тадқиқотлар нуфузли тадқиқот марказлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, пенсия жамғармалари фаолиятини шакллантиришнинг ташкилий асосларини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш, хориж тажрибасини умумлаштириш имконини берган. Шу билан бирга, пенсия таъминоти билан боғлиқ вазиятнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, пенсия тизимидаги ўзгаришлар орқали инвестицион фаолликни оширишнинг амалий жиҳатларини белгилаш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали пенсия тизимидаги ўзгаришларни таъминлаш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда узоқ истикболга мўлжалланган барқарор иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлаш, **ислохотлар самарадорлигини ҳамда**

¹ J.P.Tursunov. Reforms in pension supply system in Uzbekistan. European Journal of Research. №3. 2019. P 43.